

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МЕРОСИГА ДОИР

Сафаров Отабек Муҳаммадиевич

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг адабий-танқидий қарашлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, манбалари ва босқичлари ўрганилган. Адибнинг адабий-танқидий қарашлари ўсиб-ривожланиб боргани таҳлил қилиниб, ёзувчининг шу йўналишдаги меросини тадқиқ этишнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Шукур Холмирзаев, ёзувчининг адабий-танқидий қарашлари, эпистоляр, ҳикоя, услуб, бадиий шакл, “Адабиёт ўладими?”, Карпенгер, комил инсон орзуси, ёзувчиликнинг мактаби.

Ижодкорнинг адабий-танқидий, эстетик қарашлари нафақат муаллифнинг ижодини тўлароқ ўрганишга ёрдам беради, айти пайтда унинг дунёни идрок қилиши ва бу англамларининг ўз асарларида зухур этишини кузатишда, бадиий дидининг шаклланиш омилларини билишда, ҳаёт, инсон ва адабиётга муносабатини аниқлаштиришда ҳам энг биринчи манбадир. Чунки шоир-ёзувчининг адабий-танқидий фаолияти унинг ижоддаги изланишлари, бинобарин, маҳорат бобида ўсиш ва чекинишларини ҳам кўрсатиши билан қимматли. Масалан, Шукур Холмирзаев шундай ёзади: “Ўтган беш-олти йил мен учун оғир йиллар бўлди. Ёзишни қайта бошдан машқ қилиб, кўп кўчаларга кириб чиқдим – адашмайдиган, ҳамиша тўғри йўлдан юрадиган ёзувчиларга ҳавас қиламан...”¹ Бу жумлаларда доимий изланишда бўлган, услуб, бадиий шакл бобидаги ўзига хосликларни англаб ва ижодига татбиқ қилиб бораётган ёзувчининг иқдорлари акс этади, адабиётда новаторликка эришиш биринчи галда

¹ Холмирзаев Ш. Режаларимми?//“Ўзбекистон маданияти”, 1973 йил, 26 январь.

бошқалар ижодини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишни талаб этади, деган хулоса англашилади.

Бизнингча, Шукур Холмирзаевнинг адабий-танқидий, бадиий-эстетик қарашлари қуйидаги йўналишларда моддийлашган:

- илмий-адабий мақолаларида;
- адабий-публицистик суҳбатлари, интервьюларида;
- сўзбошилари, сўнгсўзларида;
- ёзувчиларга ёзган хатларида;
- кутлов-табрикномаларида;
- кундаликларида, қайд ва изоҳларида;
- адабий эссе ва очеркларида.

Илмий кузатишлар шундан далолат берадики, Шукур Холмирзаевнинг адабий-эстетик қарашлари ўзга санъаткорларнинг шу хилдаги фикрларидан изчиллиги, мунтазамлиги ва пухта илмий асосларга эгаллиги билан ажралиб туради. Зеро, кўпчилик ижодкорлар адабиётшуносликка онда-сонда қандайдир бир муносабат туфайлигина мурожаат қилган бўлсалар, Ш.Холмирзаев адабиёт илми билан бутун онгли умри давомида жиддий ва мунтазам шуғулланиб келди. Бунинг асосий сабаби у адабиёт илмини адабий жараёндан, илмий изланишларни бадиий ижоддан айри тутмади. Эълон қилинган ва шахсий архивида сақланаётган юзга яқин адабий-танқидий мақолалари, суҳбатлари, тақриз ва сўзбошиларида ёзувчининг ўзига хос ёндашуви, кўзқараши, сўзга ва ижодга бўлган муносабати яққол сезилиб туради. Гарчи улар турли мавзу ва йўналишларда бўлса-да, лекин деярли барчасини адабиётга бўлган муҳаббат, сўзга нисбатан садоқат, ижодга бўлган масъулият туйғулари уйғунлаштиради.

Ёзувчи адабий машқларини анча эрта – ўқувчилик давриданоқ бошлаган бўлса, ана шу ижодий изланишлари моҳияти ҳақида фикр юритиш ва уларни

матбуотда чоп этиш босқичига кейинроқ – талабалик даврида келади. Шукур Холмирзаевнинг адабий-танқидий меросини босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. 1960–1975 йиллар. Очиги, ушбу даврда адибнинг адабий-танқидий қарашларини акс эттирувчи чиқишлари сони кўп эмас. Жумладан, Москвада ёшлар иштирокида бўлиб ўтган адабиёт кунлари таассуротларига бағишланган “Улкан яқун, зўр синов”, “Кенгаш таассуротларидан” сарлавҳали мухтасар мақолалар, ҳикоя жанри табиати тўғрисида фикр юритилган дастлабки “Ҳикоя ҳақида” мақоласи, Нетьмат Аминов ижодига оид “Довонлар олдинда” тақризи, ижодий ниятлари ҳақидаги “Режаларимми?” сарлавҳали мақоласи ҳамда “Танқидчига уч мактуб” умумий номи билан Иброҳим Ғафуровга йўлланган учта очиқ хати шу даврга мансуб. Бироқ ёзувчининг бу йиллардаги адабий-танқидий қарашларининг аҳамияти шу билан характерланадики, биринчидан, у ижодий услубини топиш борасида мунтазам изланишдалигини маълум қилади. Масалан, “Ўзбекистон маданияти” газетасида чоп этилган “Режаларимми?” мақоласида адиб: “Ўтган беш-олти йил мен учун оғир йиллар бўлди. Ёзишни қайта бошдан машқ қилиб, кўп кўчаларга кириб чиқдим”, деб қайд этади. Иккинчидан, адибнинг Иброҳим Ғафуровга йўллаган учта мактуби бадиий асарни таҳлил қилиш, унинг моҳиятига кириш, ижодкор дунёқарашини англаш ҳамда адабий танқидчининг бу борадаги ютуқ ва камчиликлари юзасидан илмий-назарий фикр юритилгани билан аҳамиятлидир.

2. Адибнинг 1975–1991 йилларда яратилган адабий-танқидий мақолаларида адибнинг адабиёт ва ижод ҳақидаги қарашлари муайян даражада қарор топгани кўринади. Айнан шу даврда чоп этилган, танқидчи Умарали Норматов билан қилинган “Услуб, бадиий шакл муаммолари” сарлавҳали суҳбат-мақолада илгари сурилган ғоя-хулосалар ёзувчининг кейинги фаолияти учун ижодий тамойилга айланганини кўрамыз. Масалан, Шукур Холмирзаев адабий дидни юксалтириш, ўқувчини тафаккурга чорлайдиган услубда ижод қилишни ижодкорнинг вазифаси сифатида кўради: “Шахсан мен китобхонни бир ёққа

торта билган, унинг дидига мўлжаллаб – унга асарини нима қилиб бўлса ҳам ёктириш мақсадида эмас, ўша дидни бир баҳя бўлса-да кўтариш ниятида тер тўккан ёзувчиларни севаман” [4]. Эътиборли жиҳати шундаки, Шукур Холмирзаев жаҳон адабиёти намоёндалари ва замондош ижодкорлар, уларнинг ижодий фаолияти хусусиятларига баҳо берганда ҳам, адабий жанрлар табиати ҳақида фикр юритганда ҳам, бадиий услуб ва уни шакллантириш йўл-йўриқлари тўғрисида сўзлаганда ҳам, биринчидан, адабиёт илми мезонларидан келиб чиқади, иккинчидан, фикрларини мисоллар ёрдамида далиллайди, учинчидан, ўзининг мулоҳазалари яқуний, барчага мажбурий хулоса эмас, талқин ўлароқ қабул қилинишини сўрайди.

3. Шукур Холмирзаевнинг 1991–2004 йиллардаги адабий-танқидий мероси. Ушбу давр адибнинг ҳам ижодий, ҳам адабий-танқидий фаолияти учун жуда самарали бўлган, дейишга ҳар жиҳатдан асос бор. Бу йилларда “Адабиёт ўладими?”, “Ёзувчиликнинг мактаби йўқ...”, “Адиб шахс бўлиши керак”, “Адабиёт, адабиёт, адабиёт...”, “Ёзувчи ким?”, “Орзуларнинг аламли юки”, “Фақат ўзлимизни англашим учун ёзаман...”, “Кечирасиз, жаноб Карпентер, вақтим зикроқ!”, “Комил инсон орзуси”, “Айтар сўзимизга масъул бўлайлик”, “Ўттиз беш ёшда ҳам...”, “Жаҳонбоп асар ёза оламан, лекин...”, “Шолоховнинг ашаддий мухлиси эдим...”, “Толстойнинг нияти мени мафтун этган” ва бошқа – ёзувчининг олам, одам, адабиёт, ижод, тарбия каби тушунчалар ҳақида баҳс этган мақола-суҳбатлари юзага келди. Уларнинг асосий хусусиятлари шуларда кўринадикки, аввало, ўтиш даври жараёнларини бадиий идрок объекти сифатида ижодида акс эттирган ёзувчи адабий-танқидий қарашларида ҳам таҳлил қилиб, қадриятларга эътиборнинг сусайиши, инсон табиатига мол-дунёга ҳаваснинг ортиши ва унинг маънавий оқибатлари ҳақида мулоҳаза юритади. Иккинчидан, “Ижодкорнинг шахси бутун бўлиши керак”, деган тезисни илгари суриб, ёзувчи-шоирларнинг ўз ижоди ва жамият олдидаги масъулиятини кўрсатиб беради. Учунчидан, Шукур Холмирзаев айна даврдаги адабий-танқидий қарашларида ўз

ижодий йўлига баҳо беради, услубини шакллантирган омилларни кўрсатиб беради, реализм адабий методига риоя этишининг сабабларини асослаб беради. Тўртинчидан, янги адабий методларга муносабатини билдириб, ушбу йўлда асар яратаётган ёзувчиларнинг ютуқ-камчиликларини таҳлил қилади.

Ҳар қандай ижодкорнинг (бизнинг тадқиқотимиз мисолида, Шукур Холмирзаевнинг) адабий-танқидий қарашларини илмий тадқиқ этишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, бундай қарашлар тизими у мансуб жамият ойдинларининг муайян даврий босқичдаги интеллектуал савиясини кўрсатади. Шу орқали ўша даврда яшаган кишиларнинг тафаккур тарзи ва туйғулари йўналишини билиш ва улар ҳақда яратилган асарларни тўғри тушуниш ҳамда холис илмий тадқиқ этишнинг йўлларини белгилаб олиш мумкин. Шунингдек, бирор асар ҳақидаги қарашлар унинг қандай нуқтаи назарлар тизими асосида юзага келганлигини беҳато аниқлашга ёрдам қилади. Бинобарин, ёзувчининг адабий-танқидий қарашлари унинг ўз ижодига баҳо берилган илмий концепциягина бўлиб қолмай, балки замондошлари яратган асарлардаги етакчи бадиий-эстетик жиҳатларнинг асл қиммати нимада эканлигини билишга шароит яратиши билан ҳам қиммат касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Холмирзаев Ш. Қорақалпоқ халқининг талантили адиби//“Гулистон”, 1969. № 8.
2. Холмирзаев Ш. Муборакбод//“Гулистон”, 1969. № 11.
3. Тошбоев О. Абадий замондош. Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодий фаолиятдан лавҳалар. –Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018. 377-б.
4. Холмирзаев Ш. Услуб, бадиий шакл муаммолари (Сухбатдош – Умарали Норматов)//“Шарқ юлдузи”, 1977 йил. № 8.